

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАНИЯЗОВА ЖУПАРГУЛЬ ОРЫНБАЕВНА

Ш.СЕЙТОВ РОМАНЛАРИДА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ
(«Халқобод» роман-тетралогияси мисолида»)

10.00.03. – Қорақалпоқ тили. Қорақалпоқ адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Каниязова Жупаргуль Орынбаевна

Ш.Сейтов романларида характер яратиш маҳорати
(«Халқабад» роман-тетралогияси мисолида)..... 3

Каниязова Жупаргуль Орынбаевна

Мастерство создания характера в романах Ш.Сейтова (на пример
роман-тетралогии «Халкабад»)..... 23

Kaniyazova Jupargul Orynbaevna

Mastery of Creating Characters in the Novels by Sh.Seytov (on the
example of the novel-tetralogy «Khalkabad»)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАНИЯЗОВА ЖУПАРГУЛЬ ОРЫНБАЕВНА

Ш.СЕЙТОВ РОМАНЛАРИДА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ
(«Халқобод» роман-тетралогияси мисолида»)

10.00.03. – Қорақалпоқ тили. Қорақалпоқ адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil43 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рўзимбоев Сапарбой филология фанлари доктори, профессор Хошаниязов Жалғас Хошаниязович филология фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.20.01-сонли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел: (99861)223-59-25, факс: (99861)223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Абдиназимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Т.А.Керуенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. (DSc)

М.К. Айимбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида роман жанрининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб саналади. Айни вақтда ҳам бу жараён бадиий тафаккурнинг янгиланиш тамойиллари контекстида баҳоланаётганлиги, миллий романчилик анъаналарининг ривожланиш жараёни ва ёзувчининг характер яратишдаги бадиий маҳоратини замонавий методлар воситасида очиб беришни тақозо этмоқда. Ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини, ўз олдига қўйган мақсад-муддаоси, бадиий ниятин, асар ғоясини образлар орқали тасвирлар экан, унда асосий қаҳрамон характерини поэтик талқин қилишнинг турли воситаларидан фойдаланади. Негаки, ёзувчининг характер яратиш санъати, асосий қаҳрамон образининг роман бадиий структурасидаги ўрни ва роман поэтикаси муаммоларини ёритиш соҳанинг изчил ривожини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир.

Дунё адабиётшунослигида бадиий жиҳатдан мукаммал тизим даражасига кўтарилган инглиз, француз, испан, япон, рус, ўзбек ва бошқа романчилик мактабларининг поэтик анъаналари ҳамда уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаси юқори баҳоланмоқда. Бинобарин, миллий бадиий тафаккурнинг кенгайишига муҳим ҳисса қўшган XX аср қорақалпоқ адиби Шаудирбой Сейтов (1937–1996) асарларида тасвирланган образлар характерини поэтик маҳорат нуқтаи назаридан таҳлил қилиш қорақалпоқ романчилиги тараққиётининг етакчи тамойилларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок маънавий қадриятларимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби бадиий адабиёт ривожига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Адабиётнинг мустақил ва эркин фикрлайдиган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдаги аҳамиятига алоҳида диққат қилинди. Зеро, «ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган бадиий, маърифий адабиётларнинг янги авлодини яратиш»¹ ҳар бир шахсни ақлан ва руҳан камолга етказишга, жамиятнинг маънан тозариши ва юксалишига хизмат қилади. Бадиий адабиётнинг маънавий камолотдаги ўрни беқиёслиги қорақалпоқ адиби Ш.Сейтов романлари мисолида ҳам ўз тасдиғини топди. Ёзувчи Ш.Сейтов жаҳон адабиёти ижодий тажрибалари ва миллий адабиёт анъаналари поэтикасини чуқур ўрганиб, ўзлаштирган ва бадиий юксак асарлар яратган истеъдод соҳибидир. У ўзининг «Халқобод» асарида қорақалпоқлар ҳаётини, инсон руҳий олами ва ҳаётини воқеликни ҳаққоний тасвирлашга эришган. Шу боис, унинг асарларидаги қаҳрамон характерини жаҳон адабиётшунослиги эришган илмий-назарий концепциялар асосида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил, 13 январь.

тадқиқ қилиш роман бадииятини ёритишнинг истиқболли йўналишларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги ПҚ-1271-сон Фармойиши, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-1271-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» асосий устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчининг характер яратишдаги бадиий маҳорати ва ўзига хос услуби масалалари В.Алле, Е.К.Беннет² каби америкалик, М.Раймонд, М.Надеау, М.Гонтарь³ каби француз, М.Б.Храпченко, С.Бочаров, М.Бахтин, А.Н.Иезуитов, Л.Гинзбург, Н.Воробьев, А.Есин, А.Караганов, А.А.Калганова сингари рус олимлари томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг бадиий характер назариясига оид қарашлари адабиётшунослик таракқиётида муҳим аҳамият касб этади.⁴

Ўзбек адабиётшунослигида Иззат Султон, М.Қушчонов, У.Норматов, Т.Бобоев, Ҳ.Умуров, Д.Қурононов, Б.Алимов, Ю.Шоназаров, П.Алимов, Ч.Ниятов, Н.Шодиев, А.Ғуломова, О.Носиров, А.Расулов ва

²Allen W. The Short Story in English. –Oxford, 1981. – 413 p.; Bennett E.K. A History of German Noveile. – Cambridge, 1961. – 315 p.

³Raimond M. La crise de roman. Dès lendemain du Naturalisme aux années vingt. Thèse pour doct. ès lettres. – Paris, 1966; Nadeau M. Malaise dans la littérature. – Paris, 1997; Gontar M. Le roman français postmoderne. Une écriture turbulente. – Paris, 2002. – p. 90-108.

⁴Храпченко М.Б. Характеры и обстоятельства. – М.: Советский писатель, 1959; Бочаров С. Характеры и обстоятельства / Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Образ, метод, характер. – М., 1962; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Худож. лит., 1972; Иезуитов А.Н. Проблема характера в эстетике и литературе. Художественное творчество. Действительность. Человек. – М.: Советский писатель, 1978; Шу муаллиф. Имена героев и мифологические мотивы в пьесе М. Горького «Егор Булычев и другие» / Имя сюжет – миф. Проблемы русского реализма. – СПб., 1996. – С. 212-220; Гинзбург Л.О. психологической прозе. – Л.: Советский писатель, 1977; Воробьев Н. Принцип историзма в изображении характера. – М.: Наука, 1978; Есин А. Психологизм русской классической литературы. – М., Просвещение, 1988; Караганов А. Конфликты и характеры в литературе о колхозной жизни. – М., 1988; Калганова А.А. Новые дороги литературных героев. – Минск: Высшая школа, 1990.

У.Жўракуловларнинг, қозоқ адабиётшунослигида М.Атимов, Р.Бердибаев, З.Ахметов, Тахан Серик ва Б.Шалабаев, қирғиз адабиётшунослигида Л.Укубаева, Г.Расулов. Н.Никипорец ва А.Исенов, қорақалпоқ адабиётшунослигида З.Насруллаева, С.Баҳодирова, Ж.Есенов ва Н.Оримбетоваларнинг тадқиқотларида бадиий асарда қаҳрамон характери ва унинг руҳиятини очиш масаласи тадқиқ этилган. Шунингдек, тадқиқот объекти бўлган қорақалпоқ ёзувчиси Ш.Сейтовнинг ижоди хусусида ҳам айрим тадқиқотлар ва адабий-танқидий мақолаларда муҳим фикрлар билдирилган⁵.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг «Қорақалпоқ адабиётини тадқиқ этиш ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари», «Ҳозирги филология фанларининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ адиби Шаудирбой Сейтовнинг характер яратишдаги ўзига хос бадиий маҳорати ва поэтик услубини тадқиқ этиш ҳамда ёзувчининг XX аср қорақалпоқ насри тараққиётидаги ўрнини белгилашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ адабиётшунослигидаги қаҳрамон характерини ўрганиш билан боғлиқ тамойилларни комплекс таҳлил қилиш ва мавжуд илмий қарашларни умумлаштириш;

ёзувчининг «Халқобод» роман-тетралогиясидаги қаҳрамон характерини тасвирлашда ўзига хос поэтик маҳоратини кўрсатиб бериш;

⁵Мәмбетов К. Прозадан изленген соқпақ. //Эмиўдәрья. – Нөкис, 1970, №3, –Б.43-44; Нарымбетов Ж. Каракалпакский роман. –Ташкент: ФАН, 1974; Нурмухамедов М. Ҳазирги каракалпак прозасының гейпара актуал проблемалары. – Каракалпак әдебиятының мәселелери. –Нөкис: Каракалпакстан, 1975, 7-21 бб; Мақсетов Қ. 1966-жылдын повестьлери ҳаққында. – Каракалпак әдебиятының мәселелери. –Нөкис: Каракалпакстан, 1975. –Б.177-202; Худайбергенов К. Дәўир талабы хәм жаслар творчествосы. //Қаракалпак әдебиятының мәселелери. –Нөкис: Каракалпакстан, 1975. –Б.146; Камалов. Қ. Қаракалпак повести. –Нөкис: Каракалпакстан, 1977; Пирназаров А. «Ығбал соқпақлары» туўралы. //Жас Ленинши. –Нөкис, 28-февраль, 1978; Баҳадырова С. Роман хәм дәўир. –Нөкис: Каракалпакстан, 1978. –Б.52; Ахметов С. Проза хәм ўақыт талабы. //Эмиўдәрья. –Нөкис, 1984. -№1. –Б.100; Мақсетов Қ. Реализм менен толы дөретпе. //Эмиўдәрья. –Нөкис, 1984. -№6. –Б.94-98; Есенов Ж. Шеберликтің сырлары. –Нөкис: Каракалпакстан, 1986; Жәримбетов Қ. Турмыс ҳақыйқатлығынан-көркем ҳақыйқатлыққа. //Эмиўдәрья. –Нөкис, 1988. -№6. –Б.90-92; Алламбергенов К. Ығбал жағысы. //Эмиўдәрья. –Нөкис, 1989. -№1. –Б.90-93; Камалов Қ. Дала бүркити. Әдебий критикалық мақалалар жыйнағы. –Нөкис: Каракалпакстан, 1990. –Б.51. Өтемуратова Х. Ҳазирги проза ҳаққында гейпара ойлар. //Эмиўдәрья. –Нөкис, 1990. №9. –Б.94-95; Баҳадырова С. «Китабы дедем Қорқут», «Қоблан», «Едиге» хәм ҳазирги әдебиат ҳаққында ойлар. –Нөкис: Каракалпакстан, 1992. –Б.151-158; Есенов Ж. Ғәзеп пенен жазылған роман. //Еркин Қаракалпакстан. –Нөкис, 1993, 20-февраль; Өтемуратова Х. XX әсирдеги каракалпак романы. //Устаз. –Нөкис, 2000, 6-январь; Нуржанов П. Ғәрезсизлик дәўириндеги каракалпак прозасы. –Нөкис: Билим, 2003. –Б.19; О.Ғайлыева. Ҳазирги каракалпак поэзиясында аралық формалардың жанрлық қәсийетлери. Филол. илим ... канд.дисс. –Нөкис, 2006; Султанов А. Каракалпак прозасында Ш.Айтматовтың поэтикалық дәстүрлери. –Нөкис: Билим, 2007; Нуржанов П. Ҳазирги каракалпак романы (сюжет хәм конфликт поэтикасы). –Нөкис: Билим, 2009; Досымбетова А. Шаўдырбай Сейитов лирикасында көркем форма (дәстүрий хәм жаңа формалар синтези, сүүретлеў усыллары, еркин қосықлардың формалық өзгешеликтери). Филол. илим.канд. дәреже. алыў дисс. –Нөкис, 2008; Бекбергенова З. Каракалпак романларында көркем сөз поэтикасы (1980-2010-жыллар). Монография. –Нөкис: Илим, 2016.

ёзувчининг сюжет структурасини яратишдаги ижодий изланишларини тадрижий жараён сифатида ёритиш ва сюжетнинг қаҳрамон характерини талқин қилишдаги бадиий ўрнини белгилаш;

роман-тетралогия композицион тузилишини тадқиқ қилиб, адиб ижодий ниятининг ўзига хослигини ойдинлаштириш ҳамда унинг қаҳрамон характерини ёритишдаги аҳамиятини кўрсатиш;

роман-тетралогияда қўлланилган психологик тасвир усуллари, бадиий деталь, адабий портрет ва пейзажларнинг характер руҳиятини очишдаги ролини кўрсатиш;

роман-тетралогия қаҳрамонлари нутқига хос хусусиятларни таҳлил қилиш ва характер руҳиятининг бадиий-эстетик моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида ёзувчи Ш.Сейтовнинг «Дастлабки кадам» (1978), «Машаққатли довлар» (1981), «Ўрдақ қирғиндан сўнг» ва «Отланиш» (1989) китобларидан иборат «Халқобод» роман-тетралогияси ҳамда «Амударё» журналининг 1973 йилги 11, 12, 1974 йилги 1, 2, 3, 4, 5-сонларидаги чоп этилган тетралогия нусхалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети «Халқобод» роман-тетралогиясида қаҳрамон характерини яратиш маҳоратини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик ва структурал таҳлил методлари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

адиб ижодий йўлининг тадрижий ривожини ҳамда роман яратишдаги ўзига хос бадиий маҳоратини очиб бериш орқали унинг XX аср қорақалпоқ насри тараққиётига қўшган ҳиссасини кўрсатилган;

«Халқобод» роман-тетралогияси образлар тизимининг комплекс таҳлили асносида адибнинг сюжет структурасини яратиш ва қаҳрамон характерини талқин қилишдаги ижодий новаторлиги аниқланган;

ёзувчининг қаҳрамон руҳий ҳолатини ифодалашда қўллаган хотира, туш ва мактуб каби бадиий деталлари, портрет ва пейзаж сингари поэтик ифода усуллари асар сюжети ва композициясининг яхлитлигини таъминлаганлиги исботланган;

роман-тетралогиянинг бадиий тили ва қаҳрамонлар нутқининг поэтик ифодаси асарда тасвирланган образлар характерини яратишга асос бўлганлиги далилланган;

варваризмлар, вульгаризмлар ва лақабларнинг қаҳрамон характери қирраларини очиш ва индивидуаллатиришда асосий бадиий восита вазифасини бажарганлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.

асар сюжети ва композициясининг характер яратишдаги бадиий-эстетик вазифаси ривоя шакллари билан муштарақликда ўрганилиб, уларнинг қаҳрамон образига хос хусусиятларни ёритишдаги ўрни белгиланган;

қахрамон хотиралари, тушлари ва мактублари, бадий деталь, портрет, пейзаж каби бадий психологизм усулларини мақсадли қўллашда тажриба орттирганлиги аниқланган;

персонажлар образини индивидуаллаштириш мақсадида қўлланилган диалог ва монологлар, варваризмлар, вульгаризмлар, лақаблар қахрамон характерини яратишнинг янгича услубий изланишлари сифатида тадқиқ этилиб, янги назарий хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, илмий хулосалар қиёсий-типологик, бадий-эстетик ва структурал таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий фикр ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг натижалари қорақалпоқ адабиёти билан жаҳон ва қардош халқлар адабиётлари орасидаги адабий таъсир масалаларини ўрганиш ҳамда XX аср қорақалпоқ адабиётининг янги тарихини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишда таҳлилга тортилган фактик материаллар ва чиқарилган хулосалардан XX аср қорақалпоқ адабиёти намояндalари асарлари, жумладан, Ш.Сейтов асарларининг сайланмаларини нашрга тайёрлаш, шунингдек, олий таълим муассасаларида қорақалпоқ адабиёти ва ҳозирги адабий жараён бўйича дарс машғулотлари ҳамда махсус курслар ўқитишни ташкил этишда, шу билан бирга, адабиёт терминларининг изоҳли луғати, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Ш.Сейтовнинг «Халқобод» роман-тетралогиясини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

адибнинг қахрамон характерини яратишдаги ўзига хос бадий маҳорати ва роман сюжет структурасини шакллантиришдаги индивидуал поэтик услуби ҳақидаги назарий умумлашмалардан ЎЗР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилаётган ФА-Ф01-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги лойиҳа ишини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2017 йил 23 ноябрдаги 1701/106-сонли маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ романларининг жанр хусусиятлари ва қахрамон характерининг бадий талқинига доир назарий қарашларни мукамаллаштиришга эришилган.

тадқиқот материаллари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ Миллий музейида Ш.Сейтов ҳаёти ва ижоди бўйича кўргазма ташкил этиш, экскурс дарсларни ўтишда ва илмий-назарий анжуманларда маруза шаклида тарғиб этилди (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2017 йил 14 октябр 2-04/1029-1-

сонли маълумотномаси). Шу аснода, ёзувчи Ш.Сейтов насрий асарларининг ўзига хослиги ва қахрамон руҳий оламини инъикос этишдаги маънавий-маърифий янгиликларини жорий этиш имконини берган.

бадий адабиётнинг ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш, миллий ўзликни англашдаги аҳамиятига доир илмий-назарий қарашлар Қорақалпоғистон Республикаси радиоканалининг 2017 йил апрель ойидаги «Сўнмас юлдузлар» ва «Адабий портрет» эшиттиришларини тайёрлашда амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2017 йил 17 апрелдаги 01-02/160-сонли маълумотномаси). Натижада радиоэшиттиришларнинг илмий далилларга бой бўлиши таъминланган ҳамда Ш.Сейтов ижоди кенг тарғиб қилинишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, асосий уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 156 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Биринчи боб «**Ш.Сейтовнинг «Халқобод» роман-тетралогиясида қахрамон характерини яратишдаги изланишлар**» деб номланиб, боб ўз ичига икки фаслни бирлаштиради. Мазкур бобнинг «**Қорақалпоқ насрида қахрамон характерини яратиш масаласи ва ўрганилиши**» деб номланган биринчи фаслда бадий характер билан боғлиқ жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигидаги илмий-назарий қарашлар умумлаштирилди, мулоҳазалар фонида тўйинтирилди. Шунингдек, қорақалпоқ насридаги қахрамон характерини яратиш борасидаги изланишлар адабий-тарихий аспектда тадқиқ саҳнига олиб чиқилди. Бадий ижодда ҳикоя ва қисса «катта наср»га ўтишда кўприк вазифасини ўтайди, шу боис, қорақалпоқ романларидаги характер масаласини ўрганишда аввал қиссалар таҳлил

этилди. Қисса жанри табиатидан келиб чиқиб тадқиқотчилар эпик шаклнинг бу турини «катта наср» яратишнинг ижод лабораторияси сифатида баҳолайдилар⁶. Ишда бу масала алоҳида Ўзбекистон қаҳрамони Т.Қайипбергенов (1929–2010) ҳамда ёзувчи Ш.Сейтов (1937–1996) ижодини қиёслаш асосида очиб берилган. Таҳлиллар натижасида қорақалпоқ насрида характер яратишдаги икки хил тамойил аниқланди: а) маълум бир шароитдаги қаҳрамон характерини шакллантириш; б) ўсиш-ўзгариш жараёни орқали ҳамда қаҳрамон ҳаётидаги энг драматик вазиятда унинг характер хусусиятларини кўрсатиш.

Ёзувчи Ш.Сейтовнинг «Халқобод» асарида қаҳрамонлар характери мураккаб вазият ва қарама-қаршиликларнинг хронологик тартибдаги раво сюжет ва ретроспектив усул асосида асар композициясига киритилган кичик ҳикоялар, хотиралар, хатлар, персонажларнинг бир-бирига муносабати жараёнида очилади. Бу хусусиятлар ишнинг биринчи бобининг «Ш.Сейтовнинг «Халқобод» роман-тетралогиясида сюжет ва унинг қаҳрамон характерини яратишдаги ўрни» деб номланган иккинчи фаслда ўрганилган. «Халқобод» роман-тетралогияси «Дастлабки қадам» (1978), «Машаққатли довлар» (1981), «Ўрдақ қирғиндан сўнг» ва «Отланиш» (1989) каби тўртта китобдан иборат. Тетралогиянинг биринчи ва иккинчи китоблари дастлаб 1973-1974 йиллари «Амударё» журналида чоп этилади. Аммо, тетралогиянинг журнал нусхаси жудаям оддий, бадиийлик савияси паст бўлиб, сўнгра ёзувчи асарни қайта ишлайди. Тетралогиянинг учинчи ва тўртинчи китоблари саккиз йилдан сўнг, 1989 йили чоп этилади. Саккиз йил давомида ёзувчи тажриба орттиради, ўз устида ишлайди, жаҳон адабиёти намуналарини ўрганади ва бу орада бир нечта лирик, лиро-эпик, эпик асарлар яратади. Шу боис, тетралогиянинг дастлабки икки китоби билан кейинги икки китоби услуб жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Ишда Ш.Сейтов ижодининг ўзига хослиги, оддий, лекин мустаҳкам иродали, мақсади аниқ, қатъиятли, руҳи тетик, виждони пок, маънавий олами бой, эркин фикрловчи, ҳаёт гўзаллигини чуқур ҳис этадиган қаҳрамонлар образини яратиши билан боғлиқ эканлиги кўрсатилган.

«Халқобод» роман-тетралогиясида XX асрнинг бошидаги алғов-далғовли воқеалар, колхозлаштириш даври, уруш ва урушдан кейинги йиллардан то қайта қуриш йилларигача бўлган давр тарихи бир нечта қаҳрамонлар тақдири мисолида ўз ифодасини топган. Асардаги воқеалар ривожини характерлар логикаси бошқаради. Шу боис, асарда қаҳрамонлар образи муаллифнинг батафсил характеристикаси асосида эмас, балки ретроспектив усулда персонажларнинг «нигоҳи» асосида ёритилган. Натижада асар қаҳрамонларидаги кузатувчанлик ва мулоҳазакорлик кучайтирилади ва қаҳрамонлар характеридаги энг муҳим хусусиятлар ёрқин

⁶Аброров А. Становление и развитие узбекской советской повести: Автореф. дис... докт. филол.наук. – Ташкент, 1975; Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1991.– Б.166; Камалов Қ. Қарақалпақ повести (жанрдың эволюциясы). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1978. – Б.90; Сағийдуллаева Ж.Н. Қарақалпақ повестьлеринде стиллик изленислер (1980-жыллар повестьлери мысалында): Филол. илим.канд. дәреже. алыў дисс. – Нөкис, 2010.

ифодаланади. Масалан, ёзувчи Избасқан тақдиридаги энг чигал вазиятларни Хайтмурад уста, Амет шайтон, Бийсен, Мадияр, Гулжан каби қаҳрамонларнинг ҳикоялари ва диалогларида «қайта тиклайди» ва натижада Избасқан характериға хос хусусиятлар очилади.

Бир томондан асарнинг сюжет структураси «Минг бир кеча», Муҳаммадшариф Гулҳанийнинг «Зарбулмасал», Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonларига ўхшаб кетади. Аммо, асарда баён субъектлари бир нечта. Роман композициясини тадқиқ қилган О.А.Харитонов бу каби синкретик ифода хусусиятларни «композицион полифонизм» деб номлайди. Унинг фикрича, романлардаги ривоя техникасининг «муаллиф – ривоя – персонаж» шаклидаги композицион тузилиши классик модел эмас. Бу усулда яратилган бадий асарда «нуқтаи назарлар» муҳим аҳамият касб этади⁷. «Халқобод» тетралогияси поэтикасига ҳам ушбу хусусият хос бўлиб, асарда ҳикоялар, хатлар, диалоглар персонажларнинг нуқтаи назарлари асосига қурилган. Шу аснода асосий ва ёрдамчи қаҳрамонлар характери ҳам очилади. Ишда Қунназар оқсоқол, Олланазар бийбола, Қудайберган шундий, Сайимбет совдир, Мадияр дев, Базарбой ғилай, Дониёр, Акжарқин ва бошқа қаҳрамонлар образи таҳлилға тортилиб, ёзувчининг персонажлар характерини яратишдаги ўзига хос услуби ва маҳорати кўрсатилган.

Иккинчи боб «**Халқобод**» роман-тетралогиясида **характер яратишда бадий психологизм усулларини қўллаш маҳорати**» деб номланади. Ишда адабиётшуносликдаги бадий психологизм бўйича илмий-назарий қарашлар умумлаштирилди ва унга муносабат билдирилди. Тадқиқот объектининг поэтикасидан келиб чиққан ҳолда, қаҳрамон хотиралари, руҳий тўлғонишлари, воқеаларнинг кўз ўнгида гавдалантирилиши, туш мотиви, психологик деталь, портрет ва пейзаж каби усулларнинг сюжет линияларини бир-бириға боғлаш ва қаҳрамоннинг руҳиятини тасвирлашдаги вазифадошлиғи ўрганилган.

Иккинчи бобнинг «**«Халқобод» роман-тетралогиясида қаҳрамон характерини яратишда психологик тасвир усулларининг қўлланилиши**» деб номланган биринчи фаслида ёзувчининг психологик тасвир усулларни қўллашдаги ўзига хос бадий маҳорати кўрсатилган. «Халқобод» роман-тетралогиясида аввало вазият, яъни саҳна яратилади. Қаҳрамон ҳаётидаги драматик жараён танлаб олинади ва шу вазиятнинг вужудға келиш сабаблари изланади. Шу аснода асарда қаҳрамонларнинг ўз-ўзини қалбдан намоён қилиши, хотираға эрк бериши ҳолати кузатилади. Жумладан, бу каби психологик таҳлил Ч.Айтматов, О.Ёқубов, Н.Думбадзе, Т.Қайипберганов, К.Мамбетовларнинг бадий оламида ўзига хос ўрин тутади.

Маълумки, инсоннинг онг ости ва онг қатламларида йиғилиб ётган мусибату қувончлар қайта идрок қилингандагина тўлақонли намоён бўлади. Инсон руҳий солномаси давр ва муҳит билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. У ўзида куч ва мойилликни бутун ботинидан изламайди, аксинча, атрофға

⁷ Харитонов О.А. Композиционный полифонизм: генезис и структурные модификации (на материале романной прозы XIX-XX веков). АКД. – Тверь, 2009.

теран назар ташлайди. Бу эса Ш.Сейтов ижодида яққол намоён бўлган. Масалан, «Халқобод» роман-тетралогияси қаҳрамонлардан бири Сўзонайнинг чоли Қудайберган шундийни Тўрткўлга кузатиш вақтидаги ички ҳис-ҳаяжонлари билан ёшлик дамларидаги хотиралари, ўз она-юртидан кетишга мажбур бўлган Бердикарим ахуннинг даврдан норозилиги, Назарбойнинг атрофидаги қаҳрамонлар ҳақидаги қарашлари ва асар қаҳрамони Эсберган ҳақидаги фикрлари, Жамал суднинг ўз қилмишларини англаш пайтидаги руҳий азобланишлари «ўтмиш картинасини қайта тиклаш» орқали тасвирланади. Натижада қаҳрамон қалбига янада чуқур кириб борилади. Шунини таъкидлаш жоизки, тетралогиянинг тўртинчи китобига киритилган Эрназар, Шийша қиз ва Ойсултоннинг хотиралари психологик вазифа бажармайди. Шунинг учун ҳам моҳиятан айни замонда юз берган воқеалик персонажлар қалбида ассоциация уйғота олмайди.

«Халқобод» роман-тетралогиясида қаҳрамон тушлари психологик тасвирнинг бир усули сифатида қўлланилади. Тушнинг адабиётдаги дастлабки вазифаси – асарга фантастик мотивларни олиб кириши билан боғлиқ. Антик адабиёт асарларида, халқ эртаклари ва эпосларда қаҳрамонлар туши тасвирланган мотивлар кўп учрайди. Уларнинг тушларига худолар, ҳазрати Хизр, қирқ чилтон, ғойиб эранлар, момолар каби руҳий қудратга эга кучлар кириб, қаҳрамонларни қўллаб-қувватлаб, маълум эзгу ишларни бажаришга ундайди; тушлар ёрдамида қаҳрамон келажаги ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлади. Романтизм адабиёти даврида тушлар қаҳрамонлар ички оламини очишдан иборат психологик вазифани бажаради. Бадиий асардаги тушнинг поэтик табиати Д.А.Нечаенко, Н.А.Нагорная ва О.В.Федуниналар томонидан тадқиқ этилган⁸. Шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида Н.Шодиев, Ш.Исаева, қорақалпоқ адабиётшунослигида Ж.Есенов ва Ж.Сагидуллаеванинг илмий тадқиқотларида қаҳрамонларнинг туши психологик тасвир усулларида бири сифатида таҳлил қилинган⁹.

Бадиий асарда қаҳрамонларнинг тушлари «ўз функцияси ва мазмуни жиҳатдан ҳар хил бўлса ҳам, у ҳамма вақт, ҳар қандай шароитда ҳам ёзувчилар томонидан образ яратиш усулларида бири сифатида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини чуқурроқ очиш мақсадида фойдаланилади»¹⁰. Диссертацияда таҳлилга тортилган роман-тетралогия персонажлари Олламберген, Эсберган, Назарбой, Тўлибай, Қунназар оқсоқолларнинг тушларида уларнинг дунёқарашлари ва бир-бирига ўхшаш жиҳатлари, ички изгироблари, руҳий кечинмалари, орзу-ўйлари тўлақонли ва

⁸Нечаенко Д.А. Художественная природа литературных сновидений (русская проза XIX века): Автореф. дис.. канд. филол. наук. – М., 1991; Нагорная Н.А. Поэтика сновидений и стиль прозы А. Ремизова: Автореф. дис.. канд. филол. наук. – Самара, 1997; Федунина О.В. Поэтика сна в романах: Автореф. дис.. канд. филол. наук. – М., 2003.

⁹Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Тошкент, 1977; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фанлари номз. дисс.. автореф. – Тошкент, 2001. 13-бет; Есенов Ж. Шеберликнинг сырлари (ҳазирги қарақалпоқ повестьлеринде көркем психологизм проблемаси). – Некис, Қарақалпоқстан, 1986. – Б.93; Сагидуллаева Ж. Қорақалпоқ кассаларида услубий изланишлар. (80-йиллар кассалари мисолида): Филол. илим.канд. дөреже. алыў дисс. – Нукус, 2010.

¹⁰Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фанлари номз. дисс.. автореф. – Тошкент, 2001. – Б.13.

ҳаққоний чизиб берилган. Бундай усул роман композициясининг яхлитлашувига замин ҳозирлаган.

Иккинчи бобнинг «Ш.Сейтовнинг «Халқобод» роман-тетралогиясида психологик тасвирининг мактуб усулини қўллаш маҳорати» деб номланган иккинчи фаслида роман-тетралогияда қаҳрамон руҳиятини тасвирлашда ёзучининг мактуб усулини қўллашдаги ўзига хос услуби ўрганилди. Аввало, «Европа адабиётида сентименталистлар ўтган асрлардаёқ (XIX асрда – К.Ж.) бу усулни мазкур даврнинг ҳаққонийлигини психологик талқинда кўрсатиш учун фойдаландилар ва мактуб психологик таҳлил усули сифатида сентименталистлардан бошланди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз»¹¹. Бадиий тилнинг эпистоляр (қаҳрамон мактублари) шаклини М.Бахтин «баённинг биринчи шахс нутқининг кўринишларидан бири» дея ҳисобласа¹², ўзбек адабиётшуноси Й.Солижонов эпистоляр шаклини монологик нутқнинг бир кўриниши сифатида талқин қилади¹³. Қорақалпоқ олимаси З.Бекбергенова ҳам мактуб усулини монологнинг ёзма шакли сифатида таҳлил этади¹⁴.

Қорақалпоқ фольклоридаги «Алпамыс» достонида эпик қаҳрамоннинг ғоз қанотига ёзган мактуби, классик адабиётда мактуб шаклидаги шеърлар мавжуд бўлиб, улар қаҳрамоннинг ёрдам сўраш ёки ўз таниш-билишларига йўллаган хат-хабари маъносига эга. Мактуб усули XX аср қорақалпоқ адабиётида, хусусан, Т.Қайипбергановнинг «Қорақалпоқ дастони» трилогиясида халқнинг орзу-истакларини акс эттириш воситаси вазифасида ишлатилади. Бу каби мактубларда расмий мазмун устун, шу боис, ушбу мактублар ҳеч қандай психологик вазифа бажармайди. Қорақалпоқ насрида мактуб усули илк бор лирико-психологик қиссаларда қаҳрамон руҳиятига боғлиқ ҳолда қўлланилганлигини кузатамиз. Қорақалпоқ қиссаларидаги психологик тасвир усулларини тадқиқ этган Ж.Есенов бу усулнинг қорақалпоқ насрида қўлланилишини қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматов ижодининг таъсири сифатида баҳолайди¹⁵. Дарҳақиқат, адабий жараёнларда XX асрнинг 70–80-йиллари Ч.Айтматов ижодининг таъсири кучли бўлди. Шу даврларда ижод қилган ёзувчи Ш.Сейтов ҳам Ч.Айтматовнинг ижодий мактаби анъаналаридан баҳраманд бўлганлиги табиий ҳолдир.

Диссертацияда қаҳрамон мактубларининг асар сюжет курилишидаги вазифаси, ўзига хос тили, услуби таҳлил этилган ва уларнинг қаҳрамон характери, дунёқараши ва руҳиятини ифодалаши «Халқобод» тетралогиясининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи китобларидаги Гулойша, Баплағанов, Назарбой, Карима ва Асқарбойнинг хатлари асосида ўрганилган. Муаллиф мактубларига турлича бадиий вазифа юклайди: Гулайшанинг хати унинг тасавурида янгича дунёқарашнинг шаклланиш босқичларини;

¹¹Есенов Ж. Шеберликнинг сырлари (ҳазирги қарақалпоқ повестьлеринде көркем психологизм проблемаси). – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1986. – Б.86.

¹²Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Художественная литература, 1963. – С.274.

¹³Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фанлари номз. дис. автореф. – Тошкент, 2002. – Б.21.

¹⁴Бекбергенова З. Қарақалпоқ романларинда көркем сөз поэтикаси. – Нөкис: Илим, 2016. – Б.63.

¹⁵Есенов Ж. Кўрсатилган асар. – Б.88.

Назарбой ва Кариманинг мактублари воқеликни ҳикоячи-персонаж тилидан ифодалашнинг бир кўриниши; Асқарбойнинг ёзган мактуби ўзи очиқ-ойдин айта олмаган, тўғридан-тўғри етказа олмаган кўнглидаги фикрларини ифодалаш воситаси каби хусусиятларга эга. Диссертацияда қаҳрамон мактубларининг бадий вазифаси чуқур таҳлил этилган.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли «**Ш.Сейтовнинг «Халқобод» роман-тетралогиясида бадий деталь, портрет ва пейзажнинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланади. Адабиётшуносликда бадий деталь масаласи бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилганлиги тўғрисида диссертацияда маълумот берилган. Дарҳақиқат, бадий асарда деталь образ яратишда муҳим аҳамиятга эга. Ёзувчи Ш.Сейтовнинг «Халқобод» асарида бадий деталь қаҳрамон характерини яратишда алоҳида ўрин тутди. Бу усул ёрдамида ёзувчи асарда воқеабандликдан чекиниб, ихчам ва аниқликка эришади ва эмоционал таъсирчанликни орттиради. Масалан, тетралогиядаги символик ва психологик деталь сифатида қўлланилган турна ва ғоз образлари ўзига хос талқинга эга. Ёзувчи қушлар образи орқали қорақалпоқ халқининг миллий характери, руҳияти ва менталитетини ифодалашга ҳаракат қилган. Роман-тетралогияда турна ва ғозлар образидан ташқари оққушлар тасвири ҳам берилган. Бу қушлар халқ тасавурида поклик ва муҳаббат тимсоли сифатида қадрланади. «Халқобод» роман-тетралогиясида халқ оғзаки ижодидаги бу анъана давом эттирилган. Асардаги Қунназар оқсоқолнинг келини Давлетбика томонидан айтилган ривоят бунга мисол бўла олади. Романда ҳар бир деталь, ҳар бир эпизод қаҳрамон тақдири билан бевосита боғлиқ ҳолда тасвирланган. Масалан, «Ўрдак қирғиндан сўнг» китобидаги кичкина кўнғизнинг оёғи куйганига тоқат қилолмай, мақсад-муддаосиз юриши асар персонажларининг ички нозик кечинмалари, руҳий тўлғонишлари, чорасизликдан нима қилишини билмай, «караҳт» ва қийноқларда қолганлигини тасвирласа, «навниҳол бўлса-да, қуриб қолган саксовул» тасвирида бегуноҳ қурбон бўлганлар тақдири ва қисмати талқин қилинади; кўзойнакли илон детали орқали эса беайб кишиларни ҳақ-хуқуқларидан поймол этган ва эркинликдан маҳрум қилган кишиларнинг тақдири ҳаққоний ёритиб берилган.

Бадий адабиётда ёзувчи қаҳрамон характерини яратишда уларнинг портретларига алоҳида эътибор қаратади. Дарҳақиқат, портрет қаҳрамоннинг фақат ташқи қиёфасини тасвирлаш санъати эмас, балки унинг ички моҳиятини, характерини очиб беришга йўналтирилган тасвир усули ҳамдир.

Насрий асарда портрет яратиш муаммоси рус адабиётшунослигида махсус ўрганилган¹⁶. Шунингдек, бадий адабиётда характерларни руҳий таҳлил қилиш методикасини ўрганган И.В.Страхов ҳам ўз тадқиқотларида

¹⁶ Бахтин М.М Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Худож. лит., 1972; Баюто А.И. Тургенов-романист. – Л., Наука, 1972; Белик А.П. Художественные образы Ф.М.Достоевского. – М.: Наука, 1974; Ковалев В.А. Поэтика Льва Толстого. – М.: Изд. МГУ, 1983; Одшоков В.Г. Поэтика романов Л.Н.Толстого. – Новосибирск: Наука, Сиб. отд-ние, 1978; Пуствойт В.Г. И.С.Тургенов-художник слова. – М., 1980. Тимрат А.Д. Герой и образы романа Л.Н.Толстого “Война и мир”. – Тула, 1961. Чудаков А.П. Поэтика Чехова. – М.: Наука, 1971; Чуковский К.И. О Чехове. Человек и мастер. – М., 1971.

психологик портретларнинг аҳамияти алоҳида эканлигини эътироф этади¹⁷. Қаҳрамон портретини яратишда маҳорат, истеъдод, услубий изланишлар масаласи ўзбек адабиётшунослигида анча кенг ўрганилган¹⁸. Ўзбек адабиётшуносларидан бири Т.Қурбоновнинг номзодлик диссертацияси тўлақонли портрет яратиш масаласига бағишланган¹⁹. Қорақалпоқ адабиётшунослигида бу борада муайян тадқиқот олиб борилмаган. Фақат адабиётшунос С.Баҳодированинг «Роман ва давр» китобида қорақалпоқ насридаги қаҳрамон портретини яратиш муаммосидаги бир қатор ютуқ ва камчиликлар А.Бегимов, О.Айжанов, Т.Қайипберганов, К.Султанов романлари асосида таҳлил қилинган бўлса, З.Бекбергенова 1980–2000 йиллардаги қорақалпоқ романларида қаҳрамон портретини яратишда муаллиф нутқининг вазифасини ўрганди.²⁰

«Бадий асардаги портретнинг ўрнини ҳам, вазифасини ҳам, портрет яратишнинг қайси туридан фойдаланишни ҳам ёзувчининг ўзи белгилайди. Шу сабабдан ҳам ёзувчининг барча асарларида бир хил портрет туридан фойдаланиши шарт эмас, ...адиб уларнинг бирида қаҳрамоннинг тўлақонли портретини яратса, иккинчисида айрим деталлар, қисқа портрет чизгилар билан кифояланади, бошқасида эса юз ифодалари, кўз қарашлари, мимика каби сўзсиз муносабатларга алоҳида эътибор беради»²¹.

Қорақалпоқ насрида қаҳрамон портретини яратишда Ш.Сейтовнинг ҳам ўзига хос услуби мавжуд. Ёзувчи асар архитектурасида ҳар бир компонентга бадий вазифа ва ғоявий функция юклайди. Қаҳрамонлар портрети асарда баъзан сифатлашлар, ташбеҳлар тарзида бўлиб қолмасдан, ҳар бири психологик вазифани тўлақонли бажаришга хизмат қилади. Ш.Сейтовнинг асарларида тўлақонли портрет тасвирларини учратмаймиз, бунинг боиси уни қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси унчалик қизиқтирмайди. Ёзувчи қаҳрамонларнинг ташқи қиёфасини чизишдаги лўнда тасвирларда эса тасаввурлар, кулги, имо-ишора, каби сўзсиз тушунчаларни, қаҳрамонга фақатгина хулқ-атворидаги ўзига хосликларни яхлитлаштириш негизида психологик ҳолатини биринчи планга чиқаради. Масалан, асарда Избасқаннинг ўзига маъқул бўлмаган гапни эшитганда, ёки ўз айтгани бўлмаганида юзидаги чечак доғи тиртиғининг чуқурлари, кўзларининг

¹⁷Страхов И.В. Методика психологического анализа характеров в художественном произведении. – Саратов, 1977.

¹⁸ Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услубининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1967; Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Тошкент: Фан, 1973; Султонова М. Пейзаж санъати. – Тошкент: Фан, 1983; Якубов Х. Адибнинг маҳорати. – Тошкент: Фан, 1966; Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: Тошкент бадий адабиёти, 1965; Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. – Тошкент: Фан, 1966; Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988; Қўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968; Аҳмедов Н. Баён қилиш ва индивидуал услуб масалалари: Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1973; Шермухамедов П. Рухий дунё кўзгуси. – Тошкент: 1971; Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида тасвирий воситалар ва тил бадияти: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Тошкент: 1995.

¹⁹Қурбонов Т. Одил Ёкубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент: 1997.

²⁰Баҳадырова С. Роман ҳам дэўир. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1978. 140-149-бетлар; Бекбергенова З. Қарақалпақ романларида кәркем сөз поэтикасы. – Нөкис: Илим, 2016. 121-136-бетлар.

²¹Қурбонов Т. Одил Якубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фанлари канд... дис. автореф. – Тошкент, 1997. 9-бет.

ўқилон кўзлари каби йилтиллаши, Мадияр бошлиқнинг юзидаги чандиқнинг тиришиши, Сайимбет юзининг ўзгариши ва шу каби портретлик штрихларда қаҳрамонларнинг рухий ҳолатлари тасвирланади. Ёзувчи қаҳрамонлар портретини яратишда ўхшатишлардан унумли фойдаланади. Масалан, «Кудайберган шундийнинг сакраши пўрханга», «бош кийимининг бир қулоғи қамишнинг синган япроғига ёки қушнинг қанотига, Сайимбетнинг юриши хўрозга, Олтиннинг юриши оққушга ўхшатилади. Шунингдек, тетралогияда қаҳрамон портрети муаллиф тафсилотларидан ташқари ҳикоячи персонажлар мулоқоти, монолог ва диалогларда намоён бўлади.

Ёзувчи Ш.Сейтов романларида турли хил хулқ-атвордаги қаҳрамон образларидан ташқари бошқа бир ўзига хос сюжет элементи бор. Бу қорақалпоқ табиатининг «сўз билан чизилган картинаси», яъни пейзаж тасвиридир. Муаллифнинг ёзувчи сифатидаги бадиий маҳоратини асар тилидаги ўзига хосликдан излаган маъқул. Бадиий тилнинг камалакдек сержилолиги ва худди узукка кўз қўйгандек ярашиқли бўлишини пейзаж тасвирларидан ҳам билса бўлади.²²

Ёзувчининг «Халқобод» тетралогиясида ёз, баҳор, куз ва қишга хос мавсумий пейзажлар ихчамлаштирилиб, муаллифнинг ўз олдида қўйган поэтик ғояси ва идеалини тўлақонли далолатлашга хизмат қилади. Чунончи бадиий ният мудом пластик хусусиятга эга. Воқелик силсилаларидан таркиб топган шаклда қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари саҳнавий кўриниши касб этади. Масалан, тетралогиянинг «Машаққатли довлар» деб номланган иккинчи китобида ўлим ваҳмидан кўрққан Бердиқаримнинг ички ҳис-ҳаяжонлари қиш фасли табиатига паралелл равишда тасвирланса, «юз фоиз саводли бўлдиқ» қабилдаги маълумот етказган Қунназар оқсоқолнинг комиссия келган пайтдаги шошқалоқлиги, ҳаяжонланишини ёзнинг иссиқ табиати фонида чизишга эришганлигини эътироф этиш лозим. Қурбан устанинг бошига тушган кулфат (халқ душмани сифатида тутилиши ва Сайимбет томонидан бозорда озод қилиниши) пейзажнинг ўзига хос шаклу шамойилини бутун мураккаблигича инкишоф қилади.

«Халқобод» тетралогиясининг учинчи («Ўрдақ қирғиндан сўнг») китобининг дастлабки саҳифаларида тасвирланган Нукус шаҳрига яқин ердаги «Тошлоқ»нинг ёз мавсумига хос табиати тасвирида асарга асос бўлган даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги қийинчиликлар, ҳақ-ҳуқуқларнинг поймол бўлиши, ҳукуматга бўлган ишончнинг йўқолиб бориши, инсоннинг ўз эркидан ажралиши, нафасини ичига ютиб яшаётган қаҳрамонларнинг ботиний кечинмалари турли ракурслардан туриб инкишоф қилинади.

Диссертациянинг «Ш.Сейтовнинг «Халқобод» роман-тетралогиясида қаҳрамон характери яратишда бадиий тилнинг аҳамияти» деб номланган учинчи бобида тетралогиядаги қаҳрамонларнинг диалоглари, монологлари ва характер яратишнинг бошқа лексик воситалари (варваризмлар, вульгаризмлар, лақаблар) функционал-семантик жиҳатдан ўрганилди.

²²Қабдалов З. Тандамалы шығармалары. II том. Сөз өнери. – Алматы: Жазушы. 1983. 366-бет.

Бинобарин, «Характер яратишда монолог ва диалогларнинг қўлланилишининг ўзига хослиги» деб номланган биринчи фаслида ёзувчининг «Халқобод» роман-тетралогиясида қорақалпоқ овулларининг тарихидаги катта ўзгаришлар палласи – аҳолининг коллективлаштириш пайтидаги ташвишлари, турмуш воқеликлари, уларнинг жамият аъзоларига, руҳиятига таъсири, бу жараёндаги қаҳрамон психологиясида рўй берган ўзгаришлар монологлар орқали тасвирланиши таҳлил этилган. Зеро, қаҳрамон оғир руҳий, драматик, гоҳо трагик вазиятларда ҳам ўз аҳвол руҳиятини ичдан таҳлил қилади. Шунинг учун ёзувчи ички монолог усулини қўллар экан, дастлаб қаҳрамонларни худди шундай ҳолатга, вазиятга туширган шароит ва муҳитнинг моҳиятини, унинг сабаб ва оқибатларини тасвирлашга диққат қаратади.²³

